



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



<b>Шахноза Махмудовна Латипова</b> Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
<b>Умид Холбоевич Холбоев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
<b>Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
<b>Нигина Маруповна Усманова</b> Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Алишер Абдуганиевич Эшгаев</b> Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
<b>Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov</b> Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
<b>Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov</b> Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
<b>Адхам Итолмасович Рахматов</b> Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
<b>Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова</b> Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov</b> Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
<b>Zulfiya Musayevna Usmanova</b> Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
<b>Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов</b> Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
<b>Shokhista Bahridin kizi Turdieva</b> Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
<b>Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov</b> Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Азиза Махомадризовна Каримова</b> Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

“yashil” mehmonxonalar faoliyatini yo‘lga qo‘yishni rag‘batlantirish mexanizmlarini ishlab chiqish;

- Xorazm viloyatida faoliyat ko‘rsatayotgan mehmonxonalarda samarali marketing strategiyalarini amalga oshirish, xususan, brend bo‘lgan mehmonxonalar zanjirini ko‘paytirish, mehmonxona xizmatlarini dunyo bozorlariga chiqishida PR kompaniyalardan samarali foydalanishni yo‘lga qo‘yish;

Yuqorida keltirilgan taklif va tavsiyalarni amalga oshirilishi, Xoram viloyatida mehmonxona industriyasini barqaror rivojlanishini ta‘minlashga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Travel & Tourism Economic Impact | World Travel & Tourism Council (WTTC)
2. <https://uzbektourism.uz/research/statistics>
3. Matyakubov U.R. “Ekologik vaziyatni inobatga olib turizm samaradorligini oshirish istiqbollari va asosiy yo‘nalishlari”. Nomzodlik dissertatsiyasi. SamISI, 2011. 156 b.
4. Ollanazarov B.D. Turistik xizmatlar sohasida investitsion faollikni oshirish strategiyasi va ustuvor yo‘nalishlari. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. SamISI, 2019. 58 b.
5. Bekchanov D.Y. Turistik destinatsiyada investitsiyaviy loyihalarni moliyalashtirishda innovatsion yondashuvlar. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentabr-oktabr, 2018-yil.
6. I.S.Abdullayev, S.F.Allayarov. The role of tourism industry in the economy of regions // “2017-2021 yillarda mintaqalarda turizm salohiyatini kompleks rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari” mavzusidagi respublika ilmiy anjumani materiallari. Urganch -2018 yil 24 noyabr. 3 b.
7. Palvaniyozov A., Ko‘klanov Sh. Xorazm viloyatida dam olish va hordiq chiqarish maskanlarining imkoniyatlari // “2017-2021-yillarda mintaqalarda turizm salohiyatini kompleks rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari” mavzusidagi respublika ilmiy anjumani materiallari. Urganch -2018-yil 24-noyabr. 88 b.0020
8. Xorazm viloyati turizm va madaniy meros bosh boshqarmasi ma’lumotlari.
9. O‘zbekistonda turizm. 2018-2021 yillar. Statistik to‘plam. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. www.stat.uz

<p><b>О.Аллоназаров</b></p> <p><b>Анализ деятельности гостиничных услуг в регионе</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье раскрываются тенденции развития гостиниц и подобных средств размещения в Хорезмской области и проводится анализ основных показателей гостиничной деятельности.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> гостиница, туризм, гостиничное хозяйство, гостиничные услуги, средства размещения, регион.</p>	<p><b>O. Allonazarov</b></p> <p><b>Analysis of the activities of hotel services in the region</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article reveals the development trends of hotels and similar accommodation facilities in the Khorezm region and analyzes the main indicators of hotel activities.</p> <p><b>Keywords:</b> hotel, tourism, tourist, hotel industry, hotel services, accommodation facilities, region.</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Адхам Итолмасович Рахматов – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

**ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН  
ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА  
УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

<p><b>Аннотация:</b> Ушбу мақолада муаллиф туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўлларини таҳлил қилган ҳамда, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишдаги аҳамиятли жиҳатларини кўрсатиб берган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> иқтисодиёт, туризм, кадр, мегаполисга, халқаро туризм, бизнес саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият, омил, индекс, бандлик, хориж, турист.</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-худудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан”, деб таъкидлади. Бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Булардан бир йўналиш туризм соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига қаратилган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Туризм соҳаси билан дунё олимлари шуғулланиб келганлар. Биз мазкур мақолада ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар номлари ва асарларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Булар таркибига: Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, Б.Навруз-зода, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, М.Т.Алиева, Н.С.Ибрагимов, О.С.Каххаров, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, А.О.Очилов, Р.Хаитбаев кабиларни киритиш мумкин. Ушбу олимлар туризм соҳасига оид илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Бироқ, айнан юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни таъминланганлик даражасига туризм билан боғлиқ адабиётларда кам эътибор қаратилган. Барча олий маълумотли кадрларни шу гуруҳга киритиб келинмоқда. Аммо тадқиқотларимиз натижалари, туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси мамлакатимизда халқаро меъёр кўрсаткичлари талаб доирасида эмаслигини кўрсатмоқда. Шу туфайли ушбу тушунчага алоҳида аҳамият беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий абстракция, таққослаш, тизимли ва мантикий таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, даврийлаштириш, индекс каби усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тадқиқотларимиз кўрсатдики, туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Буларга қуйидаги омилларни киритиш мумкин:

1. Бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сони ( $X_1$ );
2. Бир мингта хорижий туристларга тўғри келадиган маҳаллий туристларнинг сони ( $X_2$ );
3. Хорижий туристларнинг битта хорижий тилларни биладиган ходимларга тўғри келиши ( $X_3$ ).
4. Хорижий тилларни биладиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ( $X_4$ ).

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун натижанинг ушбу омиллар билан ўзаро боғлиқлигининг мултипликатив моделини аниқлаб оламиз. Бу қуйидаги формулада ўз аксини топган:

$$Y = X_1 * X_2 * X_3 * X_4 = \prod_{i=1}^n X_i ;$$

Кўриниб турибдики, натижа кўрсаткичига тўртта омил таъсир қилади. Иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш ва индекс усуллари билан ушбу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш мумкин. Бунинг учун биринчи галда уларнинг фарқи аниқланади:

$$\Delta Y = (X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4x}) - (X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p});$$

Ушбу натижавий кўрсаткичга омиллар таъсирини индекс усул билан аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг индекси аниқланади. Бунинг учун ҳақиқий миқдор ( $X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4x}$ ) режадаги миқдорга ( $X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p}$ ) бўлинади:

$$I_y = \frac{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4x})}{(X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p})}$$

Энди туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси (натижа кўрсаткичи)га таъсир қилувчи биринчи омилнинг, яъни бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сонининг ўзгаришининг

таъсирини ( $\Delta Y_{x1}$ ) занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш учун натижани шу биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ( $X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p}$ ) ва бундан натижанинг режадаги миқдори ( $X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p}$ ) айрилади:

$$\Delta Y_{x1} = (X_{1x} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p}) - (X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p});$$

Мазкур биринчи омил таъсирини индекс усули билан аниқлаш учун ушбу кўрсаткичларнинг нисбати олинади:

$$I_{yx1} = \frac{(X_{1x} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p})}{(X_{1p} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p})}$$

Омилнинг натижага таъсирини индекс усули билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунда биричи омил таъсири билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичи, унинг режадаги миқдorigа бўлинади:

Натижа кўрсаткичи ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун энди натижа кўрсаткичини шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ( $X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p}$ ) ва бундан биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ( $X_{1x} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p}$ ) айрилади:

$$\Delta Y_{x2} = (X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p}) - (X_{1x} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p});$$

Ушбу омилнинг таъсирини индекс усулида ҳам аниқлаш мумкин:

$$I_{yx2} = \frac{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p})}{(X_{1x} * X_{2p} * X_{3p} * X_{4p})}$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини ( $\Delta Y_{x3}$ ) аниқлаш учун энди натижанинг шу учинчи омил ўзгариши (ҳақиқий миқдори) билан қайта ҳисоблаб олинади ( $X_{1x} * X_{2px} * X_{3x} * X_{4p}$ ) ва бундан натижани иккита омил билан қайта ҳисобланган миқдори ( $X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p}$ ) айрилади:

$$\Delta Y_{x3} = (X_{1x} * X_{2px} * X_{3x} * X_{4p}) - (X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p});$$

Ушбу омил таъсирини индекс усулида аниқлаш учун шу кўрсаткичларнинг нисбати олинади:

$$I_{yx3} = \frac{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4p})}{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3p} * X_{4p})}$$

Энди натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини ( $\Delta Y_{x4}$ ) аниқлаш учун шу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб олинади ( $X_{1x} * X_{2px} * X_{3x} * X_{4x}$ ) ва бундан учинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдор айрилади:

$$\Delta Y_{x4} = (X_{1x} * X_{2px} * X_{3x} * X_{4x}) - (X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4p});$$

Ушбу омил таъсирини ҳам индекс усулида аниқлаш мумкин. Бунинг учун уларнинг нисбати олинади:

$$I_{yx4} = \frac{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4x})}{(X_{1x} * X_{2x} * X_{3x} * X_{4p})}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлади:

$$\Delta Y = \Delta Y_{x1} \pm \Delta Y_{x2} \pm \Delta Y_{x3} \pm \Delta Y_{x4};$$

Барча омиллар таъсири индексининг кўпайтмаси, агар ҳисоб-китоб тўғри амалга оширилган бўлса, умумий индексга тенг бўлиши керак.

$$I_y = I_{yx1} * I_{yx2} * I_{yx3} * I_{yx4}$$

Ушбу омилларни амалий маълумотларни қўллаб ҳисоб-китоб қилинганда қуйидаги натижаларга эга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича туризмда банд бўлган рақобатбардош кадрлар таъминоти бўйича 2021-2022 йиллардаги маълумотлари<sup>1</sup>.**

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суъати, %
1.	Жами туристлар сони, минг киши	1709	5451	+3742	319,0
2.	Маҳаллий (ички) туристлар сони, минг киши	519	4247	+3728	818,3

<sup>1</sup> Самарқанд вилояти туризм ва маданий-мерос бош бошқармаси маълумотлари

3.	Хорижий туристлар сони, минг киши	1190	1204	+14	101,2
4.	Туризмда банд бўлган ходимлар сони, киши	24 119	27 320	+3 201	113,3
5.	Туризмда банд бўлган олий маълумотли ходимлар сони, киши	3595	3785	+190	105,3
6.	Туризмда банд бўлган хорижий тилларни биладиган ходимлар сони, киши	9340	12463	+3123	133,4
7.	Бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сони ( $X_1$ ); (5к/2к)	6,93	0,89	-6,04	12,8
8.	Бир мингта хорижий туристларга тўғри келадиган маҳаллий туристларнинг сони ( $X_2$ ); (2к/3к)	436,1	3527,4	+3091,3	808,9
9.	Хорижий туристларнинг бир мингта хорижий тилларни биладиган ходимларга тўғри келиши ( $X_3$ ). (3к/6к)	127,4	96,6	-30,8	75,8
10.	Хорижий тилларни биладиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши ( $X_4$ ). (6к/4к*100)	38,72	45,62	+6,90	117,8
11.	Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, % ( $Y$ ); (5к/4к)	14,91	13,84	-1,07	92,9

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами туристлар сони 2022 йилда 2021 йилга нисбатан +3742 минг кишига ёки 319,0 %га ошган. Бунга 2022 йилда Самарқанд шаҳрида йирик “Боқий шаҳар” номи билан туризм марказининг ташкил қилинганлиги ва унда бир қанча халқаро тадбирларнинг ўтказилганлиги сабаб бўлган. Булар таркибида маҳаллий (ички) туристлар сони кескин кўпайиб, 3728 минг кишини ташкил қилган. Бу ўтган йилга нисбатан 818,3 %га ўсганлигидан далолат беради. Аммо хорижий туристларнинг ўсиш даражаси 14 кишига ёки 101,2 %га ошган холос. Туризмда банд бўлган ходимлар сони, 3 201 кишига ёки 113,3 %га кўпайган. Ушбу ҳолат туризм соҳасининг бандликни оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди. Туризмда банд бўлган олий маълумотли ходимлар сони шу даврда 190 кишига ёки 105,3 %га ошган холос. Келгусида олий маълумотли кадрлар сонини кўпайтириш ҳам муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Соҳа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган туризмда банд бўлган хорижий тилларни биладиган ходимлар сони шу даврда 3123 кишига ёки 133,4 %га ўсганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш масаласи туради. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган занжирли алмаштириш ва индекс усулларидадан фойдаланган ҳолда ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Бунинг учун куйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тадқиқ қилинаётган Самарқанд вилоятида туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 1,07 %га (13,84 – 14,91) камайган. Бу камайишга юқорида қайд этилган 4 та омил таъсир қилган.

$$\text{Умумий фарқ: } 13,84 - 14,91 = -1,07 \%$$

$$\text{Индекс усулида: } 13,84/14,91 = 0,928$$

Биринчидан, бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сони маҳаллий туристларнинг кескин ошганлиги эвазига (818,3 %) анча миқдорга (атиги 12,8 %ни ташкил қилган) камайган. Ушбу омил эвазига натижа кўрсаткичи, яъни туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик

2-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича туризм соҳасида юқори малакали рақобатбардош кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир этувчи омилларнинг 2021-2022 йиллардаги таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	1-омил билан қайта ҳисобланган	2-омил билан қайта ҳисобланган	3-омил билан қайта ҳисобланган	4-омил билан қайта ҳисобланган
1.	Бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сони (X <sub>1</sub> ); (5к/2к)	6,93	0,89	0,89	0,89	0,89	0,89
2.	Бир мингта хорижий туристларга тўғри келадиган маҳаллий туристларнинг сони (X <sub>2</sub> ); (2к/3к)	436,1	3527,4	436,1	3527,4	3527,4	3527,4
3.	Хорижий туристларнинг бир мингта хорижий тилларни биладиган ходимларга тўғри келиши (X <sub>3</sub> ). (3к/6к)	127,4	96,6	127,4	127,4	96,6	96,6
4.	Хорижий тилларни биладиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши (X <sub>4</sub> ). (6к/4к*100)	38,72	45,62	38,72	38,72	38,72	45,62
5.	Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, % (У); (5к/4к)	14,91	13,84	1,91	15,49	11,74	13,84

даражаси, 13,0 %га (1,91 – 14,91) камайган.

**1-омил таъсири: 1,91 – 14,91 = -13,00 %**

**Индекс усулида: 1,91/14,91 = 0,128**

Иккинчидан, бир мингта хорижий туристларга тўғри келадиган маҳаллий туристлар сонининг 808,9 %га ошганлиги туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасини 13,58 %га (15,49 – 1,91) оширишга муваффақ бўлган.

**2-омил таъсири: 15,49 – 1,91 = +13,58 %**

**Индекс усулида: 15,49/1,91 = 8,102**

Учинчидан, хорижий туристларнинг бир мингта хорижий тилларни биладиган ходимларга тўғри келиши 2022 йилда 2021 йилга нисбатан камайиб, 75,8 %га тенг бўлган. Натижада туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси ҳам 3,75 %га (11,74 – 15,49) камайишига олиб келган.

**3-омил таъсири: 11,74 – 15,49 = -3,75 %**

**Индекс усулида: 11,74/15,49 = 0,758**

Тўртинчидан, хорижий тилларни биладиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улушининг 117,8 %га ошганлиги туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасини 2,10 %га (13,84 – 11,74) оширилишига эришишга муваффақ бўлган.

**4-омил таъсири: 13,84 – 11,74 = +2,10 %**

**Индекс усулида: 13,84/11,74 = 1,179**

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлган.

**-13,00 + 13,58 – 3,75 + 2,10 = - 1,07 %**

**0,128 \* 8,102 \* 0,758 \* 1,179 = 0,928.**

Бундай ҳисоб-китоб натижаси шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичига омиллар таъсири тўғри танланган ва ҳисоб-китоблар ҳам тўғри амалга оширилганлигидан далолат беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқот натижасида қилинган хулосалар:

1. Ушбу ҳисоб-китоблар тегишли хулоса қилиш ва шулар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади. Таҳлил натижаси кўрсатмоқдаки, туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасининг ҳолатига иккита омил ижобий ва иккита омил салбий таъсир қилган.

2. Бир мингта маҳаллий туристларга тўғри келадиган олий маълумотли ходимлар сони камайиб, ўтган йилга нисбатан 12,8 %ни ташкил қилган. Бу кўрсаткични яхшилаш учун кескин чораларни кўришни тақозо қилади. Бунинг учун маҳаллий туристларнинг кескин ошганлигига мос ҳолда соҳада кадрларни ҳам кўпайтириш имкониятларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунга Самарқандда имконият бор, чунки соҳага хос кадрлар Туризм халқаро университетида ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида тайёрланади.

3. Таҳлил натижаси бўйича хорижий туристларнинг бир мингта хорижий тилларни биладиган ходимларга тўғри келиши ҳам 2022 йилда 2021 йилга нисбатан камайиб, 75,8 %га тенг бўлганлиги натижада туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси ҳам 3,75 %га (11,74 – 15,49) камайганлиги Самарқанд вилоятига хорижий туристларни кўпайтириш заруратини туғдиради. Бунга етарли имкониятлар бор. Фақат соҳага эътиборни янада кучайтириш лозим бўлади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб туризм соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- туризм соҳасини, унинг таркибидаги корхоналарни самарали бошқариш бўйича юқори малакали кадрлар билан таъминланганликда муаммоли ҳолатнинг мавжудлиги истикболда сифатли турхизматларни кўрсатишда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин;

- туризм соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасини оптималлашган тизимини шакллантириш бандлик, иш ҳақи даромадлари ва фойдани кўпайтиришга олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони// lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрда “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
4. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.

<p><b>А.Рахматов</b></p> <p><b>Факторы, влияющие на уровень обеспеченности высококвалифицированными кадрами в сфере туризма и пути их определения</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье проанализированы факторы, влияющие на уровень обеспеченности высококвалифицированными кадрами в сфере туризма и способы их определения и показаны важные аспекты при принятии соответствующих управленческих решений.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экономика, туризм, кадры, мегаполис, международный туризм, бизнес, промышленность, предпринимательство, образование, культура, фактор, показатель, трудоустройство, зарубежье, турист.</p>	<p><b>A.Rakhmatov</b></p> <p><b>Factors affecting the level of supply with highly qualified personnel in the field of tourism and ways of their determination</b></p> <p><b>Abstract:</b> in this article analyzed the factors affecting the level of provision of highly qualified personnel in the field of tourism and the ways to determine them and showed the important aspects in making appropriate management decisions.</p> <p><b>Keywords:</b> economy, tourism, personnel, megalopolis, international tourism, business, industry, entrepreneurship, education, culture, factor, index, employment, abroad, tourist.</p>
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023